

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРЪОН ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР: ЎТМИШ ВА БУГУН

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17282695>

Шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
фахрий доктори
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
“Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлими раҳбари

Аннотация

Мазкур мақолада ислом дини таълимотларининг қадимий Мавороуннаҳр ўлкасига кириб келиши ва Қуръон илмининг дастлабки тарқалиш жараёнлари тарихий манбалар асосида таҳлил қилинади. Тобеъин ва табаъа тобеъинларнинг Мовароуннаҳр шаҳарларида Қуръон ва ҳадис илмини тарғиб этишдаги фаолиятига эътибор қаратилган. Шунингдек, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Лайс ас-Самарқандий ва бошқа буюк муфассирларнинг минтақа тафсир мактаби ривожига ўрни кўрсатиб ўтилади. Мақолада Амир Темур давридаги Қуръон аҳлига бўлган эътиром ҳамда ҳозирги Ўзбекистонда Қуръон таълимига қаратилаётган давлат даражасидаги эътибор ёритилган.

Калит сўзлар

Мовароуннаҳр, Қуръон илми, тафсир, ҳадис, тобеъин, табаъа тобеъин, Абу Мансур ал-Мотуридий, Амир Темур, Қуръон таълими, диний-маърифий мерос.

Ўзбекистон – қадимги Мовароуннаҳр ўлкасига Ислом дини таълимотларининг кириб келиши VII асрдан бошланади. Тарихчи Ибн Жарир ат-Табарийнинг таъкидлашича, Хуросон волийси Рабиъ ибн Зиёд ал-Ҳорисий 51/671 йилда Жайхун дарёсини кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрга илк қадамларни ташлаган¹². Кейинчалик аста-секинлик билан маҳаллий аҳоли орасида исломий таълимотлар Қуръон, ҳадис, фикҳ, калом ва бошқа турли исломий билимлар орқали тарқала бошлади. Минтақага Қуръон илмини, шубҳасиз, саҳоба ва тобеъинлар олиб кирганлар. Улар Мовароуннаҳрга илк ташрифларида маҳаллий аҳолига ислом дини таълимотларини Қуръон ва ҳадис орқали тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Кейинчалик табаъа

¹² Қаранг: Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005. – Б. 946.

тобеъинлар саъй-ҳаракатлари билан ўлкамизда Қуръон мактаблари ташкил қилинган. Жумладан, Хулайд ибн Ҳассон ал-Ҳажарий ал-Асрий Бухорода, басралик тобеъий Ҳасан ал-Басрийнинг шогирди Абу Саҳл Касир ибн Зиёд ас-Суламий ал-Бурсоний ал-Аздий Балх, Самарқанд ҳамда Бухорода, тобеъинлардан Абу Мижлаз ва Икриманинг шогирди Абу Ҳафс Мансур ибн Нуъмон ал-Яшқурий ар-Раъбий эса, дастлаб Марвда, сўнг Бухорода, тобеъий Нофеъ ва Қатоданинг шогирди табаъа тобеъинлардан бўлмиш Холид ибн Зиёд ибн Жузь Термиз шаҳрида Қуръон ва ҳадис илмларидан таълим бергани манбаларда ўз тасдиғини топган¹³.

Буюк саркарда Қутайба ибн Муслим томонидан ҳижрий 91-93 (милодий 709-711) йилларда амалга оширилган ислохотлар бу борада алоҳида эътиборга молик. Тарихчи ал-Балозурийнинг таъкидлашича, Қутайба ўзи билан бирга Самарқандга бир гуруҳ олимларни ҳам олиб келган. Улар орасида тафсир асарлари муаллифи Заҳҳок ибн Музоҳим (в. 105/723 й.) ҳам бор эди¹⁴. Манбаларда қайд этилишича, Абул Қосим Заҳҳок ибн Музоҳим ал-Ҳилолий Балхда таваллуд топган. У тобеъинлардан Саъид ибн Жубайр билан Рай шаҳрида учрашган ва ундан тафсир илмини ўрганган. Абул Қосим Заҳҳок Балх, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида истиқомат қилган. Заҳҳок Қуръон илмига каттиқ бел боғлаган тақводор шахс эди. У маҳаллий аҳолига Қуръондан таълим берар ва бунинг учун хизмат ҳаққи олмас эди¹⁵. Мовароуннаҳрда Қуръон таълимининг илк босқичлари Биринчи ренесанс даврида мана шундай куртаклаган эди.

Кейинчалик Абу Мансур ал-Мотуридий, Абул Баракот ан-Насафий ва Абу Лайс ас-Самарқандий каби тафсир ва кироат илмларида моҳир бўлган олимлар етишиб чиқди. Бу, шубҳасиз, миллатимизнинг Қуръонга бўлган муҳаббатининг самараси. Бу – Муовароуннаҳр ҳукмдорларининг Қуръон аҳлига бўлган эҳтиромининг натижаси. Хусусан, Иккинчи ренесанс даврида Қуръон таълимига юксак даражасида эътибор қаратила бошланган. Соҳибқирон Амир Темурнинг кироат илмида ўз асрининг тенгиз олими бўлган Имом ал-Жазарийга кўрсатган эҳтироми сўзимизнинг яққол далили. Имом ал-Жазарий Самарқандда икки йилдан ортиқ муддат, яъни Амир Темурнинг вафотига қадар Қуръони каримдан таълим берган. Амир Темур ўнг томонидаги олимларнинг энг биринчи қаторига Имом ал-Жазарийни қўяр эди. Бундан ажабланган сарой мулозимлари, вазирлар ва олимлар Амир

¹³ Қаранг: Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳиббон ал-Бустий. Машоҳир уламо ал-амсор. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1995. – Б. 227, 230.

¹⁴ Абул Ҳасан Балозурий. Футуҳ ал-Булдон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991. – Б. 411.

¹⁵ Қаранг: Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳиббон ал-Бустий. Машоҳир уламо ал-амсор. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1995. – Б. 227.

Темурга: “Соҳибқирон ҳазратлари, нима учун Имом ал-Жазарийни ҳаммадан юқорига чиқариб қўйдингиз?”, деб сўрашади. Шунда Амир Темур зарҳал сўзлар билан ёзишга арзирли қуйидаги сўзларни айтади:

“Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулulloҳ соллalloҳ алайҳи васалламнинг суннатини энг яхши билган инсонни қандай қилиб энг юқорига қўймай?! Бу киши шундай зотки, бирор илмни ўрганмоқчи бўлса, уни тўғридан-тўғри шариат соҳибининг ўзидан сўрайди. Яъни, икки ракаат намоз ўқийди, тушларида Расулulloҳ соллalloҳ алайҳи васалламни кўриб, У зотдан илм ўрганади. Шундай зотни нега ҳурмат қилмай?! Мовароуннаҳр ҳумдори Амир Темурнинг Қуръон аҳлига бўлган эҳтироми ҳақида Имом ал-Жазарийнинг ўзи шундай деб эътироф этган: “Аллоҳ таолога қасамки, Амир Темур мени кўрмасдин туриб, шундай деган эди: “Аллоҳ таолога қасамки, вақти келиб, мен Имом ал-Жазарий ҳазратлари билан учрашаман ва у кишини ўз юртимга олиб келаман. Имом ал-Жазарий ҳазратлари менинг мамлакатимда Қуръони каримдан таълим бераётганида мен бу билан менга замондош бўлган барча амиру умаролар олдида фахрланаман”¹⁶.

Ўзбек халқига хос ушбу миллий кадриятларимиз ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Хусусан, Учинчи ренесансга пойдевор куриляётган ҳозирги даврда мазкур кадриятларимизнинг аҳамияти янада орган, десак муболаға бўлмайди. Қуръон аҳли ва Қуръон таълими доим халқимиз, хусусан, давлатимиз эътиборида бўлиб келган. Айниқса, сўнгги беш йил давомида Президентимизнинг борча соҳалар қатори қорилар ва Қуръон таълимига бўлган эҳтироми халқимизнинг меҳрини қозонмоқда. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистонда Қуръон мусобақаси Президентимизнинг ташаббуси билан кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 16 апрелдаги ПФ5416-сонли Фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлари дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буйруғи билан 2018 йил 10 июндан бошлаб Ўзбекистон Мусулмонлар идораси тасарруфидаги диний таълим муассасалари ва илмий мактаблар қошида “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курслари ташкил қилинди. Ҳозирда Республикаимизнинг турли вилоятларида 28 та “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курслари фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, мазкур ўқув курслари фаолияти орқали 70 000 дан зиёд аҳолининг Қуръони каримни ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қониқдиришга эришилди. Ушбу ўқув курсларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон

¹⁶ Шайх Алижон қори Файзуллоҳ Маҳдум ўғли. Қуръони карим шафоати. – Тошкент: Мухаррир, 2025. – Б. 86-87.

мусулмонлари идораси қошида “Қуръон ва тажвидни ўргатиш” номли янги бўлими ташкил қилинди.

Шунингдек, “AlQuran.uz” веб-сайтига Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида Гувоҳнома тақдим этилгани Қуръон мухлисларининг шодлигига сабаб бўлди.

Буларнинг барчаси давлатимиз, хусусан, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Қуръон аҳли ва Қуръон таълимига бўлган эътиборининг самараси. Бу – асрлар оша сақланиб келаётган миллий қадриятларимизнинг бири кўриниши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005.
2. Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳиббон ал-Бустий. Машоҳир уламо ал-амсор. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1995.
3. Абул Ҳасан Балозурий. Футуҳ ал-Булдон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991.
4. Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳиббон ал-Бустий. Машоҳир уламо ал-амсор. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1995.
5. Шайх Алижон қори Файзуллоҳ Маҳдум ўғли. Қуръони карим шафоати. – Тошкент: Муҳаррир, 2025.